



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 9 сентябрь, № 184 (8807)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Қозоғистон пойтахтига келди.



Остона халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

«Остона арена»да бўлиб ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Татаристон Раиси Рустам Минниханов ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Мусобақада дунёнинг 90 га яқин давлатларидан 2 мингдан ортиқ спортчилар, жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирок этмоқда. Ҳамюртларимиз кураш, алиш, арқон тортиш, камондан ўқ отиш, пойга, пахлавонлар беллашуви каби йўналишларда куч синашади.

Иштирокчиларга кўчманчи халқларнинг бой маданияти ва тарихи, аънава ва урф-одатларига бағишланган театрлаштирилган томошаси намойиш этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

Ў.а.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРАЛИМПИА ТАБРИКЛАДИ

Париж Паралимпиадасида қатнашаётган Ўзбекистон делегацияси ҳисобидаги олтин медаллар сонини 10 тага етказиб, тарихдаги энг яхши натижасини янгилади. Ўз ютуқлари билан ушбу юксак галабага ҳисса қўшган энгил атлетикачиларимиз Нурхон Курбонова ва Толиббой Йўлдошев билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев телефон орқали суҳбатлашди ва уларни дилдан табриклади.

— Мунтазам фаолиятингни кузатиб бораман. Олимпия шаҳарчилида курилишни бошлаганимизда «Паралимпиададан олтин билан келаман», деган ёқимли сўзларинг эсимда. Бу нимадан далолат? Тинимсиз ҳаракат, иродали интилишларинг билан торабора ўсиб бораёсан. Берган ваъдангни ортиги билан бажардинг, — дея давлатимиз раҳбари бир йўла жаҳон рекордини ўрнатган ва уни яна янгилаган Нурхон Курбоновани табриклади.

— Бир неча кун олдин ядро улоқтириш бўйича бронза медалини олган эдинг. Икки спорт тури бўйича иккита юксак натижа — бу чинакам жасорат. Бу ютуқлар машаққатли меҳнатларинг, тинимсиз машқларинг, тўплаган бой маҳоратинг меvasидир, — деди Президентимиз Толиббой Йўлдошев билан суҳбатда.

Чемпион паралимпиячиларимиз бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлмагани, давлатимиз раҳбарининг паралимпия ҳаракатига қаратаётган эътибори ва ишончи туйғулари эриштирилганини таъкидлаб, ўз номидан, мураббийлари ва ота-онаси номидан миннатдорлик билдирди.

Ў.а.

ХАЛҚАРО ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ХАЛҚАРО КИЙИМ-КЕЧАК ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ҚЎШМА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларни бугунги нуфузли анжуман — Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси президентининг ва Халқаро кийим-кечак федерациясининг қўшма конференцияси очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қўшма конференция Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётгани учун Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси президенти Кей Ви Шринавасан ва Халқаро кийим-кечак федерацияси президенти Чен Алтан жанобларига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Маъмур анжуманда қатнашаётган соҳанинг юқори мартабали вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларига ҳам ташаккур изхор этаман.

Қадимий Буюк Ипак йўли дурдонаси, уста хунармандлар юрти бўлган азим Самарқанд шаҳрига хуш келиб-сиз!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Биз кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш борасида қатъий қадамлар ташладик.

Ҳар бир соҳа ва тармоқда бўлгани каби, тўқимачилик ва кийим-кечак саноатида ҳам кенг қўламли ислохотларни амалга оширмакдамыз.

Энг аввало, пахта етиштиришда давлат монополиясига барҳам берилиши, хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни тўлиқ қамраб олган кластер тизими яратилди ва босқичма-босқич тақомиллаштириб бориламан.

Соҳадаги ислохотларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътибор этилиб, Ўзбекистонга нисбатан «пахта бойкоти» бекор қилинди. Бу борада «Cotton Campaign» халқаро коалицияси билан ҳамкорлигимиз давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, барқарор қонунчилик базаси яратилгани, инвестициявий муҳит яхшиланиши, янги технологиялар жорий этилгани натижа-сида пахта толасини қайта ишлаш

2017 йилдаги 40 фоиздан 100 фоизга етди. Айни вақтда четдан тола ва хомашё олиб келиб, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги ишлар ҳам бошланди.

Соҳада яратилган имкониятлар туйғулари тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробар кўпайди, уларнинг экспорти 4 қарра ортди.

Энг муҳими, илгари соҳада экспортнинг салмоқли қисми, яъни 70 фоизи хомашё ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда четга сотилаётган товарларнинг 60 фоизини тайёр маҳсулотлар ташкил этмоқда.

Биз ислохотларни бошлаган илк даврдаёқ инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли, айниқса ёшлар ва аёлларни касбга ўргатиш, барча соҳалар учун малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифа сифатида белгилаб олдик ва бу масалалар бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Корхоналардаги ишчилар учун халқаро талабларга жавоб берадиган, муносиб меҳнат шароитлари яратилмоқда, «Better Work» ва «Better Cotton» дастурлари тизимли жорий этилмоқда.

Соҳада банд бўлган 600 мингдан зиёд аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, тўқимачилик соҳасида миллий брендларни яратиш, мамлакатимизга нуфузли халқаро ва хорижий брендларни жалб этиш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда Германиянинг «Teamdress», Италиянинг «Cotonella», Сингапурнинг «Indorama», Корейнинг «Posco International» ва «Gwangyang» компаниялари каби жаҳон бозорининг нуфузли иштирокчилари самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати жаҳондаги ишлаб чиқариш жараёна-ларига фаол интеграция бўлиб, дунёнинг барча қитъаларида ишонч-ли ҳамкорларимиз кўпаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, хорижий инвесторлар ва халқаро брендлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот-

лар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, миллий брендларни халқаро даражага олиб чиқиш — келгусида ҳам тўқимачилик саноатидаги устувор йўналишларимиз бўлиб қолади.

Ишончим комил, бугунги конференция ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни халқаро миқёсда янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, илғор тажриба ва ғоялар билан алмашиш учун самарали платформа бўлиб хизмат қилади.

Бу эса анжуманда иштирок этаётган 500 дан зиёд миллий ва халқаро ташкилотлар, ишлаб чиқарувчилар ва «ритейл» компаниялар вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириб, соҳа ривожини янги сифат босқичига олиб чиқиш имконини беради, деб умид қиламан.

Биз хорижий ҳамкорларимизнинг ўзаро манфаатли барча ташаббусларини юксак баҳолаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, халқаро брендлар Ўзбекистонга кириб келиши учун зарур стандартларни жорий этишда ҳар томонлама кўмаклашамиз.

Нуфузли халқаро ташкилотларга конференция, кўргазма, мода намоишларини юртимизда, айниқса, туризм ва саноат салоҳияти юқори бўлган Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларида мунтазам ўтказиб боришлари учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмыз.

Аминманки, юртимизнинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз билан учрашувлар сизларда унутилмас таассуротлар қолдиради, худудларимизнинг улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳияти эса инвесторларни янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга ундайди.

Сизларни бугун ўз ишини бошлаётган йирик анжуман билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, конференция ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ НАТИЖАЛАРИ



Париж шаҳридаги ёзги Паралимпия ўйинларининг сўнгги кунларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштироки билан барчангиз диққат-эътиборида бўлиб турди.



Хусусан, пара энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нурхон Курбонова «F54» классида найза улоқтириш бўйича баҳсларда 21.12 метр натижа қайд этди ва бу билан нафақат Паралимпия чемпиони бўлди, балки жаҳон рекордини ҳам ўрнатди.

Делегациямиз ҳисобига яна бир медални терма жамоамиз таркибидида энг ёш спортчи Шахинахон Йигиталиева тақдим этди. «F46» классида найза улоқтириш баҳсларида қатнашган спортчимиз 43.12 метр натижа кўрсатди. Шу тариқа 15 ёшли атлетимиз Паралимпиада кумуш медалини қўлга киритди.

Пара пауэрлифтингимиз Рўза Қўзиева ҳам мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди. 73 килограммгача вазн тоифасида қатнашган спортчимиз ўз чиқишида 147 килограмм тош-ни даст кўтарди ва бу билан беллашувдаги иккинчи ўринни эгаллади.

АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муса Жаманбаев билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Унда икки мамлакат Президентларининг қатъий сиёсий иродаси ва дўстона муносабатлари туйғулари ўзаро ҳамкорлик кенгайтириш

раётгани ва бу ўзбек ҳамда қирғиз халқлари фаровонлиги учун хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, келгусида ҳам Ўзбекистон ва Қирғизистон савдо-иқтисодий, тадбиркорлик, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳам-

корликни ривожлантириш, икки мамлакат ёшлари ўртасида доимий мулоқот майдонларини ташкил этиш хусусида фикр алмашилди.

Бундан ташқари, худудлараро ҳамкорлик дастурларининг ижобий натижалари эътироф этилиб, мазкур алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

«САЙЛОВ — 2024»

«ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!»

ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастури ана шу шиор атрофида ишлаб чиқилган

Тошкент шаҳрида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг I Конгресси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Сийёсий Кенгаш, Марказий тафтиш комиссияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, фаоллар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конгрессда партиянинг ўтган беш йиллик фаолияти таҳлили, истиқболдаги режалари муҳокама қилинди. Шунингдек, муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ишлар атрофида кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, партия аъзолари сони 2020 йил бошидаги 745 миң нафардан деярли 2 баробар ошди, ҳисобот даврида 1 млн. 600 миңга етди.

Бугунга келиб ЎзЛиДеП Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида энг кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи ўрнига эга халқчил партияга айланди.

Хисобот даврида ЎзЛиДеП Конституциямизни ислоҳ қилиш гоёси билан сиёсий майдонга чиққани ва фаол қатнашгани эътироф этилди. Асосий Қонунимиздаги янги нормалар «инсон — жамият — давлат» концепциясига қатъий амал қилинган ҳолда тайёрланди.

Парламентдаги ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари партия Сайловолди дастуридаги мақсад ва гоյларини амалга оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонунлар қабул қилинишида фаоллик кўрсатди. Шу билан бира, 41 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фракция аъзолари ташаббускор бўлди. Хусусан, Солиқ, Божхона, Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари янгича бизнес муҳитини рағбатлантирадиган нормалар билан бойитилиб, янада либераллаштирилди.

Партия сайловолди дастуридан алоҳида ўрин олган бизнес юриштиш учун қўшимча қўлайлик яратуви ва ҳуқуқий кафолатни таъминловчи Тadbиркорлик кодекси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга қатъий эътибор қаратилиб, бу назорат шакллари самарали фойдаланилди. 12 мартта «Хукумат соати», 6 бор «Парламент эшитуви» ўтказилди, 11 марта тегишли вазирлик ва идораларга «Парламент сўрови» юборилиб, улар бўйича ахборотлар тингланди. Электрат манфаатларини химоя қилишга қаратилган 730 та депутатлик сўрови юборилди.

Утган вақт давомида маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иш юритди. Улар томонидан 10 миң марттаба ҳудудий ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, 53 миңдан зиёд депутатлик сўровлари юборилди.

Конгресс иши давомида партиянинг келгуси беш йилликдаги муҳим стратегик ҳужжати бўлган янги Сайловолди дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, партия «Ўзбекистон

— 2030» стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулятини зиммасига олган етакчи сиёсий куч сифатида парламент сайловларига 5 мақсад — 500 вазифани ўз ичига қамраб олган янги дастур билан кириб бормоқда. ЎзЛиДеП «Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!» шиори остида барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгилган.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчиликдаги янги давлат тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтижманларга қўллаб-қувватлаш, очиклик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқро нубузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар олиб борилганини эътироф этган ҳолда бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жонажон Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

ЎзЛиДеП мана шу улғувор йўлда янада қатъий бўлиб, давлатимиз раҳбарининг партия И Шъезидида эълон қилган Сайловолди дастури ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулятини зиммасига олган етакчи сиёсий куч сифатида бундан буюн ҳам фаол ҳаракат қилади.

Партия иқтисодий йўналишда либерал тамойилларга асосланган эркин бозор муносабатларини қўллаб-қувватловчи ташаббусларга содиқ қолган ҳолда бизнес юриштишни янада содаллаштириш, лицензиялар сонини 2 бараварга қисқартириш, миңга яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, солиқ маъмурчилигини содаллаштириш, тadbиркорлар учун солиқ тўлашда адолатли шартнолар яратиш каби вазифаларни белгилаб олмоқда.

Шу билан бир қаторда, партия Сайловолди дастурида мамлакат янги ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга бориб 160 млрд. долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг эса 4 миң долларга, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 млрд. долларга етказиш ва 2,5 млн. юқори даромадли иш ўрнини яратиш, келгуси беш йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улүшини 85 фоизга кўтариш бўйича аниқ вазифалар ҳам акс этган.

Партия сифатли таълим, табиий ва кучли ижтимоий химояни таъминлаш борасида қамбағаллик қўламини икки карра камайитиришни устувор вазифа сифатида қўяр экан, бунинг учун беш йилда камида 1 млн. фўқарони бозори

чаққон касбларга ўргатиш, қўшимча 2,5 млн. ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифатини тўбдан яхшилаш, тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажмини 2 карра ошириш, «Хар бир оила ўз уйига эга бўлсин» шиорини татбиқ қилган ҳолда 1 млн. хонадонли уй-жойлар қуриш каби ташаббусларни илгари сурмоқда.

ЎзЛиДеП халқ хизматидаги адолатли, замонавий давлатни барпо этиш борасида давлат хизматларининг камида 300 тасини (40 фоизини) хусусий секторга ўтказиш ва фўқароларнинг шахсий иштирокини 2 баробарга қисқартириш, маҳаллаларни «бир қадам» тамойили асосида аҳоли мувожаатларини ҳал этадиган масканга айлантириш, тadbиркорлар фаолиятига белгиланган ҳоллардан ташқари аралашгани учун мансабдор шахслар жавобгарлигини қулайитириш масалалари ҳам дастурда кўзда тутилган.

Конгресс делегатлари янги Сайловолди дастури лойиҳасини маъқуллашди ва унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Конгрессда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига фаол қатнашиш масалалари муҳокама этилди. Номзодларни фўрсатли жараёни партиянинг келгуси фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда қабул қилинган қарорлар партиянинг сайловлардаги муваффақиятини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланиши қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бир мандатли округлар (мажоритар тизим) бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат (пропорционал тизим) бўйича 100 нафар номзодлар кўрсатилди.

Уларнинг 43 фоизи аёллардан иборат бўлиб, 175 нафар номзоднинг барчаси олий маълумотга эга, уларнинг 63 фоизини тadbиркор ва фермерлар, иқтисодиёт соҳаси вакиллари, 25 фоизини фан, таълим, маданият ва ижтимоий соҳа вакиллари, 12 фоизини ҳуқуқшунослар ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 19 нафарига фан номзоди (PhD), 12 нафарига фан доктори (DSc) илмий даражаси мавжуд.

Барча номзодлар ҳақидаги ҳужжатлар белгиланган тартибда мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига рўйхатдан ўтказиш учун топширилди.

ЎзЛиДеП сайловолди ташвиқотида тўбдан янгича ёндашишни кўзда тутган стратегия доирасида партия халқнинг ичига янада фаолроқ кириб бориши, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонга кириб-чиқишни, ҳар бир сайловчи партия гоյларини етказишни мақсад қилиб қўйган.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP Матбуот хизмати.

«ТАБИАТ УЧУН БИРЛАШАЙЛИК!»

Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастуридаги барча масалалар ушбу шиор атрофида умумлаштирилган

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Экологик партиясининг V Форуми бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган делегатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, партиянинг Марказий Кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат, нодавлат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Экологик партиясининг 2020 — 2024 йиллардаги фаолияти, партиянинг янги Сайловолди дастури, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибига киритилган асосий масалалар юзасидан Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдушўкур Ҳамзаев маъруза қилди.

Ўзбекистон Экологик партияси 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида 80 дан ортиқ вазибаларни бажаришни мақсад қилган эди. Утган даврда уларнинг деярли барчаси амалга ошди. Мамлакатда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, экологик муаммоларни комплекс ҳал этишга йўналтирилган дастур ва ҳаракатлар стратегиясини илгари сурди, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, Орол фожияси оқибатларини бартараф қилиш, Оролбўйи ҳудудидан ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳолатни яхшилаш, атмосфера ҳавоси ифлосланиши, биологик хилмаҳилликнинг қисқариши жараёнларини тўхтатиш, шунингдек, иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича кенг қўламини ишларда Ўзбекистон Экологик партиясининг фаол иштироки ва ҳиссаси катта бўлди.

Хисобот даврида Ўзбекистон Экологик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидagi фракцияси аъзолари томонидан 21 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилди. Парламент назорати юзасидан партия фракцияси томонидан 4 та парламент эшитуви, 5 та «Хукумат соати» ўтказилиб, 6 марта парламент сўрови, 95 та депутатлик сўрови юборилди. Партиядан сайланган депутатлар томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар қатори, турли экологик муаммолар ва улар ечимини юзасидан мансабдор шахсларнинг 81 марта ахбороти эшитилди.

Утган беш йилда партия аҳоли билан фаол мулоқот қилишга эътибор қаратди. Партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти ва ҳар бир вилоят кенгашларида «Ишонч телефони» ишга туширилиб, фўқароларнинг мувожаатларини қабул қилишнинг яхлит тизими яратилди. Бунинг натижасида 2020 — 2024 йилларда партияга оид 5 436 та муросаланинг 2 692 таси илтимой ҳал этилди, қонанчалари эса ижро бўйича тегишли инстанцияларга юборилди.

Партия фаоллари иштирокида Орол денгизининг қуриган тубида «Яшил қопламалар» — химоя ўрмонзорлари барпо этиш лойиҳаси ва харитаси ишлаб чиқилди. Партия ташаббуси билан 2021 йилда «Оролга мадад», 2022 йилда «Оролга нигоҳ», 2023 йилда «Яшил тараққиёт учун бирлашайлик» лойиҳалари амалга оширилиб, Мўйноқ тумани ҳамда Қўзилқум чўли ҳудудида ҳашар йўли билан 25 миң туп кўчат, 10 тоннадан ортиқ саксовул уруғлари ва 10 миң тупдан зиёд саксовул кўчатлари экилди, икки йил давомида 7 та «Дўстлик экобоғ» и барпо этилди.

Форумда Ўзбекистон Экологик партиясининг янги Сайловолди дастури муҳокама қилинди. Партиянинг бўлажак сайлов учун ишлаб чиққан платформасидан мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик ҳавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қўлай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга оид муҳим ташаббус ва тақлифлар ўрин олган.

Мафкураси экологизм бўлган партия сиёсий майдонда ўзининг «сўл» позициясини қатъийлик билан давом эттирган ҳолда янги Сайловолди дастурида мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида бугунги ва келажак авлод учун қўлай атроф-муҳитни яратиш, ҳавфсиз ва самарали бўлган «яшил» иқтисодиётга ўтиш, инсон ва табиат узуилги устувор бўлиш ривожланган жамият барпо этиш гоёсини илгари сурди.

Партиянинг бўлажак сайлов учун ишлаб чиққан платформасидан мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик ҳавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қўлай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга оид муҳим ташаббус ва тақлифлар ўрин олган.

Мафкураси экологизм бўлган партия сиёсий майдонда ўзининг «сўл» позициясини қатъийлик билан давом эттирган ҳолда янги Сайловолди дастурида мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида бугунги ва келажак авлод учун қўлай атроф-муҳитни яратиш, ҳавфсиз ва самарали бўлган «яшил» иқтисодиётга ўтиш, инсон ва табиат узуилги устувор бўлиш ривожланган жамият барпо этиш гоёсини илгари сурди.

Партия дастурида давлат томонидан аҳолига қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатнинг йўл инфраструктурасида муайян қисмини мажбурий равишда пийдалар йўлакчаларини ташкил этишга йўналтириш, автомобиль йўли қатнов қисми ҳисобидан скутерлар ва велосипедларда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлаклар яратиш, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида жамоат транспортдан доимий фойдаланувчи шахслар учун йўл ҳақини арзонлаштириш бориш тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш, экология соҳасидаги қонунчилик талаблари ижросини таъминлашда давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар жавобгарлигини ошириш каби ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Партия шаҳарларда бино ва кўп қаватли уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш механизмларини қонунда аниқ белгиланиши тақлиф этилди. Шунингдек, вилоят ва туманлардаги яшил майдон ва дарактзорларнинг «яшил» кадастрини ишлаб чиқиш, «Экологик тоза шаҳар», «Экологик тоза

аҳоли яшаш пунктига» оид давлат дастурини қабул қилиш гоёлари илгари сурилди.

Мамлакат таянчи бўлган ҳавфсиз ва ишончли иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун 2030 йилга қадар «Исикхона газлари» эмиссиясини 65 фоизга қисқартириш, 2035 йилгача автомобилсозлик саноатини тўлиқ электромобиль ишлаб чиқаришга иктисослаштириш, 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланганидан энергия манбалари улүшини икки карра ошириш каби ташаббуслар ҳам партия тарафдорлари томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Сайловолди дастурида, шунингдек, давлат муассасалари объектлари, кўп қаватли уйлар ва майдони 1 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган объектлар учун энергия тежовчи технологияларни ўрнатишни мажбурий этиб белгиланган, 10 ёшдан катта дарактзорни қўчириб ўтказишга чеклов ўрнатиш, 2030 йилдан пойтихт ва йирик шаҳарларда ички ёнүв двигатели энгил автомобиллар ҳаракатини, 2035 йилдан мамлакатда уларнинг сотилишини тақкиқлаш, қурилиш мақсадларида дарактзорларни ноқонуний ҳесган тadbиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш каби тақлифлар ҳам ўрин олган.

Қишлоқ ҳўжалигида озик-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида партия 2030 йилга қадар пестицидлардан фойдаланиш ҳажмини 50 фоизга камайитириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги зараркунчаларига қарши курашнинг биологик усулларидан фойдаланиш тизимини кенг жорий этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Форум делегатлари муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Экологик партиясининг «Табиат учун бирлашайлик!» гоёси муҳассамлашган Сайловолди дастурини тасдиқлади.

Делегатлар томонидан Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Форум якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига мажоритар бир мандатли округлар бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат бўйича 100 нафар номзодлар кўрсатилди.

Уларнинг 44,6 фоизи аёллардан иборат бўлиб, 175 нафар номзоднинг барчаси олий маълумотга эга, уларнинг 31,5 фоизини экологлар, 10 фоизини ҳуқуқшунослар, 9 фоизини тиббиёт, 15 фоизини иқтисодиёт ва 34,5 фоизини бошқа соҳалар вакиллари ташкил этади. Номзодларнинг 26 нафари юқори малакали олимлардир.

Номзодларга оид ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш учун тез кунларда Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилинади.

Ўзбекистон Экологик партияси Ахборот хизмати.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ота-оналарга мувожаат қилиб, қизларини ўқитиш зарурлигини, орзу-умидларини рўёбга чиқаришда уларга қўмакчи бўлишни алоҳида таъкидлаб ўтди. Ёшларга қарата ҳамшира ўз кучи, қатъияти ва салоҳиятига ишонилларини, давлатимиз, халқимиз, Президент уларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлашини билдирди.

Депутат фикри

Дарҳақиқат, бугун юртимизда навқирон авлод вакиллари, айниқса, аҳолининг қарийб ярмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намойён этиши ва ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кенг имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминлангани, маънавий-маърифий жиҳатдан етуқлиги, сиёсий онги, ижтимоий тафаккури, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ушбу долзарб масаланинг амалий ижросига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Президентимизнинг 6 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилингани юртимизда опа-сингилларимизга бўлган юксак эътибор ва катта ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир.



Аҳамиятлариси, Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, шўбасиз, ижтимоий жараёнлар, бизнес ва илм-фандаги иштирокини кенгайтиришда намойён бўлади. Шунинг учун ҳам гендер тенглик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида татбиқ этилди.

Бугунги кунда гендер тенглик барча давлатларнинг муваффақиятли ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлиб, одамларга жинсидан қатъи назар, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда ўз ҳуқуқ ва имкониятларини эркин амалга ошириш имкони-

ни беради. Айнаш шу масала янги Ўзбекистонини барпо этишнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳам бежиз эмас.

Бугун юртимизда хотин-қизларнинг ўз билим ва имкониятларини намойён этиши, соҳада самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Иқтидорли ватандошлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Чунки билимли аёл ҳар қандай жамиятда кучли манба саналади. Илм-фан билан шугулланган инсон эса нафақат ўз умрини бағишлаган соҳа, балки бутун давлат тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Рақамларга эътибор қаратсак. Охириги йилларда юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва бандлигини ошириш, тadbиркорлик кўникмасини шакллантириш борасида рўёбга чиқарилган қўламли ислохотлар натижасида уларнинг раҳбар лавозимлардаги улүши 35 фоизга етди. Биргина 2022-2023 йилларда 398 миң нафар аёлнинг бандлиги таъминланди, 100 миң нафар хотин-қиз имтиёзли асосларда олийгоҳларга қабул қилинди.

Умуман, ҳар томонлама фаол ва оқила, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлади. Биз барпо этаётган жамият пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч — хотин-қизлар ҳам, ўз навабидан, оила шаъни, маҳалла виждони, юрт тимсоли, мустақиллик ишончли, мустаҳкам таянчи бўлмоғи лозимлигини унутмасликларидаркор.

Гулрўх АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ НАТИЖАЛАРИ

Эркаклар ўртасида «J2» классидан пара дзюдо бўйича 73 килограммга вазн тоифасида баҳсларга киришган юрдошимиз Учқун Қуранбоев Паралимпия ўйинларидаги иккинчи медалини сазовор бўлди. У учинчи ўрин учун баҳсда Жанубий корейлик Донгхун Кимни маглубиятга учратиб, мусобаканинг бронза медали соҳибига айланди. Эслатиб ўтамиз, спортчимиз бундан аввал «Токио — 2020» ёзги Паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган эди.

Яна бир пара дзюдочимиз Давурхон Каро-

матов «J2» классидан 90 килограммга вазн тоифасида иштирок этди. Ҳамюртимиз учинчи ўрин учун баҳсда грузиялик Лаша Кизилашвилидан устун келди ва бронза медалини қўлга киритди.

Ўзбекистон делегацияси ҳисобидан медаллар сони 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронзани ташкил қилди. Вакилларимиз ёзги Паралимпия ўйинларида умумжамоа ҳисобида 13-ўринни банд этди.

Элёр ҲАЙДАРОВ («Халқ сўзи»).



Хитой компанияси Фарғона вилоятида мис кабелларини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширади.

ТАХЛИЛ

Бугун фаровонлик замони. Юртада кеңайган ишчи-лохотлардан баҳраманд халқимиз янги ҳаётга интиломда.

Кўркам иморатлар сояпти, хонадонларини замонавий мебеллар билан жиҳозламоқда.

Натижада уйларимиз кўрғига кўрк қўшилмоқда. Қайси хонадонда меҳмон бўлманг, бир-биридан бежирим, чиройли мебелъ жиҳозларига кўзимиз тўшади.

Талаб ва таклиф мутаносиблиги

Гапнинг пўсткалеси, ушбу соҳада энг кўп ишлатиладиган хомашё — ёгон материаллари ўзимизда жуда кам.

Мабелъ ва ёғочсозлик санъати уюшмасидан олинган маълумотга кўра, хомашё танқислигига қарамастан соҳа энг тарққий этмоқда.

Мамлакатимизда 2022 йилда янги ички маҳсулот ҳажми 80,4 млрд. долларни ташкил этди.

Қолаверса, мамлакатимизда 2030 йилга қадар мебелъ ишлаб чиқариш ҳажмини 28 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Агар хомашё базасининг қамида 30 фоизи маҳаллийлаштирилса, мебелъ санъатида катта юксалишлар юзга келади.

МЕБЕЛЬ САНОАТИ:



ИЗЛАГАН ИМЖОН ТОПАДИ

белбоп павловния дарахти қисқа муддат, яъни 4-5 йилда етилади. Ҳозир маҳаллий мутахассислар бу дарахтни Ўзбекистон иқлимига мослаштириш йўлида изланиш олиб боришаптир.

Уюшма мутахассислари маҳаллий хомашё турларини кўпайтириш учун бир ёқадан бош чиқариб ишлаш чора-тадбирларини белгиламоқда.

Ўзингники бўлса қандай яхши

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг иш юритиши анча такомиллашди: тажриба охиб, ўзига хос маданият шаклланди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик санъатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитур ва аксессуарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда божжона божининг “ноль” ставкаси 2024 йил 1 январга қадар узайтирилган.

Мабелъ учун зарурий хомашё — ДСП, МДФ, ёғоч, фурнитур ва лок-бўёқ материалларининг 80 фоизи четдан келтирилади.

ички бозорни тўлдириш, балки экспортбоп мебелни кўпайтиришда ушбу қарорда белгиланган имтиёз (2025 йилгача чўзилган) тадбиркорларга катта энгиллик яратмоқда.

Мабелъ ва ёғочсозлик санъати уюшмасига қарашли 18 та корхона маҳсулотларининг 2023 йил давомиди Туркия, Польша, Россия, Қозғистон давлатларида ўтказилган кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этди.

Имтиёзлардан фойдаланиб, бренд яратинг

Қўндалик ҳаётимизда деярли ҳар кунги бренд номларни эшитамиз ва кўлайимиз. Бренд номлар остида халқаро бозордаги нарх сиёсати, рақобатчилик муҳити, маҳсулот ишлаб чиқарувчи компания ва ташиқлотнинг молиявий имконияти билан бирга маҳсулотнинг сифати ва ўзига хос жиҳатлари фойда етилади.

Шу маънода, халқимизнинг турли мебелъ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи маҳаллий тадбиркорлар томонидан қопланиши, ўзбек брендининг дунё бозорига олиб чиқилиши учун керакли чора-тадбирлар кўриломоқда.

даги “Мабелъ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2024 йил январь ойига қадар тадбиркорлик субъектларига хориждаги офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, маҳаллий корхоналарга хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг маълум қисмини Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш белгиланган эди.

Президентимизнинг шу йил 14 мартдаги “Ташиқ савдо ва ҳудудий санъатни ривожлантиришда тадбиркорлик биришмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори янги имкониятлар эшигини очди.

Ушбу ҳужжатнинг тегишли банди билан Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизиди Савдон ривожлантириш компанияси ташкил этилди.

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси юхуд улarga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalar olgandan so'ng muhim ilmiy yutuqlarga erishish, shu jumladan, fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bo'lgan ilmiy jurnallarda chop etilgan kamida uchta ilmiy maqolaga hamda ilmiy-amaliy konferensiyalar, seminarlar va tegishli ilmiy yo'nalishlar bo'yicha ilmiy ishlar to'plamlarida kamida ikkita tezisga ega bo'lish.

экспорт қилиш ҳажми ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан қисман фарқ қилишини кўрамай.

Кўлигул усталар сафи кенгаймоқда

Экспертларнинг қайд этишича, маҳсулотларнинг ҳажон бозориди харидордигр бўлишида сифат даражасининг юқорилиги билан бренд аталарининг ўзига хослиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик билан шуғулланиб, уй орқали давлат ва ўз манфаатларини уюрлаштиришга ҳар қим ҳам журъат этавермайди. Катта лойиҳани аввал миёда обдан “пишишти” керак, иккиланши, хавф кўнглин бир четда туради.

— Корхонамиз 2005 йилда ташкил этилган, — дейди “Iklos” масъулияти чекланган бандлигини таъминлашга хисса қўшиб келаятган тадбиркор Зухриддин Нуридинов.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини кенг қўлч ёйдириш, уларнинг фаолиятида кўнунинг сўзсиз устуворлигини таъминлаш борасида жуда катта қўламадди чора-тадбирлар амалиётга жорий этилмоқда.

Хуллас, қайси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлса ва у қўллаб-қувватланса, ўзбек бренди дунё бозорига чиқishi таъминланади.

Хулқар ТҮЙМАНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

келтирилган замонавий усқуналар билан жиҳозланган. Ёғочга индивидуал ишлов беришнинг мураккаб жиҳатларини ўзлаштиряпмиз.

Кенгашли тўй тарқамас дейилиши беҳиз эмас. Уюшма қошида очилган академияда боғлиқ технологик жараёнда ҳар бир ходим ўз зиммасидаги ишни сиққидидан бажариши туфайли корхонамиз маҳсулотларига талаб катта.

Кенгашли тўй тарқамас

Тадбиркор ўзи билан ўзи ўралашиб қолса, муаммолар гирдобидан чиқолмайди. Ҳаммаслари билан тез-тез битта дарага жам бўлиши эса унинг тажрибаси, маъласини оширади.

Очигини айтиш керак, мебелсозлик санъатида кадрлар тақчилиги, маълака етишмаслиги катта муаммо. Агар соҳа энгил ўрганилса, юзлаб хилдаги касбларга эҳтиёж мавжудлиги аён бўлади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини кенг қўлч ёйдириш, уларнинг фаолиятида кўнунинг сўзсиз устуворлигини таъминлаш борасида жуда катта қўламадди чора-тадбирлар амалиётга жорий этилмоқда.

Хулқар ТҮЙМАНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

РЕКЛАМА

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

2025-yil uchun oliy ta'limdan keyingi ta'lim institutiga quyidagi ixtisosliklar bo'yicha QABUL E'LON QILADI:

(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

Table with 5 columns: №, Ixtisoslik shifri va nomi, Doktorantura DSc, Tayanch doktorantura PhD, Maqsadli doktorantura DSc/PhD, Stajor-tadqiqotchi. Lists various academic programs and their requirements.

Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 14-iyundagi 2011-sonli 242/2025 o'quv yilidan boshlab oliy ta'lim muassasalarining magistratura mutaxassisliklariga hamda oliy ta'limdan keyingi ta'lim ixtisosliklariga hujjat topshirishda talab etiladigan xorijiy tillarni bilish darajasini baholovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro'yxati va ularning darajalarini tasdiqlash to'g'risidagi buyrug'iga asosan, Oliy ta'limdan keyingi ta'lim to'g'risidagi Nizomning 3-bob 16, 18 va 19-xatboshlariga ko'ra, Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining stajor-tadqiqotchilik va tayanch doktoranturaga quyidagilarga ega bo'lganlar qabul qilinadi:

magistr darajasiga yoxud klinik ordinaturni tugatgan (tibbiyot fanlari uchun), oliy ma'lumot to'g'risidagi diplom (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) ega bo'lganlar; oliy ta'limdan keyingi ta'lim ixtisosliklariga qabul qilishda xorijiy tillar yo'nalishlari bo'yicha — kamida "C1" darajasida, gumanitar, biologik va turdosh fanlar, matematika va statistika, biznes va boshqaruv, huquq, xizmat ko'rsatish, ijtimoiy va xulq-atvorga mansub fanlar, jurnalistika va axborot, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim sohalari bo'yicha — kamida "B2" darajasida, boshqa ta'lim sohalari hamda madaniyat va sport mutaxassisliklari (ixtisosliklari) bo'yicha — kamida "B1" darajasida xorijiy tili bilish mezonlarini belgilovchi milliy yoki xalqaro sertifikatlariga ega bo'lganlar;

falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bo'lgan ilmiy natijalar, shu jumladan, ilmiy jurnallarda chop etilgan kamida bitta maqola hamda tegishli yo'nalishlar bo'yicha ikkitadan kam bo'lmagan ilmiy ishlar to'plamlariga kiritilgan ma'ruza tezislarga ega bo'lganlar.

Doktoranturaga quyidagilarga ega bo'lganlar qabul qilinadi: fan nomzodi yoki falfasa doktori (PhD) yoxud ularga tenglashtirilgan xorijiy davlatlarda olingan ilmiy darajalar; oliy ta'limdan keyingi ta'lim ixtisosliklariga qabul qilishda xorijiy tillar yo'nalishlari bo'yicha — kamida "C1" darajasida, gumanitar, biologik va turdosh fanlar, matematika va statistika, biznes va boshqaruv, huquq, xizmat ko'rsatish, ijtimoiy va xulq-atvorga mansub fanlar, jurnalistika va axborot, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim sohalari bo'yicha — kamida "B2" darajasida, boshqa ta'lim sohalari hamda madaniyat va sport mutaxassisliklari (ixtisosliklari) bo'yicha — kamida "B1" darajasida xorijiy tili bilish mezonlarini belgilovchi milliy yoki xalqaro sertifikatlariga ega bo'lganlar;

fan nomzodi yoki falfasa doktori (PhD) ilmiy darajasi yoxud ularga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalar olgandan so'ng muhim ilmiy yutuqlarga erishish, shu jumladan, fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bo'lgan ilmiy jurnallarda chop etilgan kamida uchta ilmiy maqolaga hamda ilmiy-amaliy konferensiyalar, seminarlar va tegishli ilmiy yo'nalishlar bo'yicha ilmiy ishlar to'plamlarida kamida ikkita tezisga ega bo'lish.

Stajor-tadqiqotchilik uchun talab qilinadigan hujjatlar: (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

- ariza;
qisqacha biografik ma'lumotnoma;
mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomini yoki klinik ordinaturni tugatganlik (tibbiyot fanlari uchun), oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari.

Tayanch doktoranturaga quyidagilarga ega bo'lganlar qabul qilinadi: (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

- ariza;
xorijiy tili bilish darajasini belgilovchi milliy yoki xalqaro sertifikat;
qisqacha biografik ma'lumotnoma;
mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomini yoki klinik ordinaturni tugatganlik (tibbiyot fanlari uchun), oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari.

Hujjatlar 2024-yil 15-oktabrgacha qabul qilinadi. Kirish imtihonlari joriy yilning 1 — 25-noyabr kunlari bo'lib o'tadi.

Manzil: Urganch shahri, Hamid Olimjon ko'chasi, 14-uy. Ma'lumot uchun telefon: +998622246644.

«Phd.mininnovation.uz» saytida registratsiya bo'lish kerak.

talabgorlar mutaxassislik bo'yicha kirish imtihonlari topshiradi.

Doktorantura uchun talab qilinadigan hujjatlar: (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

- ariza;
xorijiy tili bilish darajasini belgilovchi milliy yoki xalqaro sertifikat;
qisqacha biografik ma'lumotnoma;
mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falfasa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;
tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktrik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari.

Mustaqil izlanuvchilik uchun talab qilinadigan hujjatlar: (ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
falfasa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirish uchun magistrlik yoki klinik ordinaturni (tibbiyot fanlari uchun) yoki oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturi bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
ilmiy ishlar ro'yxati va ularning nusxasi;
fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirish uchun fan nomzodi yoki falfasa doktori (PhD) diplomini yoki xorijida olingan unga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalar diplom nusxasi;
ish joyidan tavsifnoma.

Mustaqil izlanuvchilikka talabgorlarni tanlab olish har chorakning uchinchi oyigacha bo'lgan muddatda ixtisoslik bo'yicha suhbat natijalari va ta'lim muassasasidagi qabul komissiyasining tegishli xulosasi bo'yicha amalga oshiriladi.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ҲАЗИНАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 15 августда қабул қилган "Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори фақат юртимизда эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам аҳамиятлидир. Камина ҳазрати Имом Термизий асарлари таржимони сифатида бу мўътабар қарорни улуг кувонч ва эътиمود билан қаршилади.

Муборақ сарчашмалар

Имом Термизий дунёдаги олти улуг муҳаддиснинг бири сифатида бизнинг диёримизда ҳақли равишда ҳазрати Имом Бухорийдан кейин турадиган азиз, муборақ ва бузруквор зот ҳисобланади.

Ўзидан буюк маънавий мерос қолдирган бу улуг зотнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Йисо ибн Савра ибн Музо ибн аз-Заҳроқ Абу Йисо ас-Суллामी аз-Зарийр ал-Бугий ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий 209 (милодий 824) йили Термиз ақинидаги Буг қишлоғида (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида) ўрта-ҳол оилада таваллуд топган.

Имом Термизий кўплаб машҳур устозлардан илм олган, улар орасида турли мамлакат ва халқларнинг вакиллари бор эди. У зот бир қанча шайхлардан, Имом Бухорийдан ҳам кўп ҳадис ривоят қилган. Аммо у киши, асосан, Имом Бухорийнинг шоғирди бўлиб, илмдаги ижозатлари у зотдандир. Ҳадис илмини у кишидан олди ва у зотнинг тарбияларида камол топди — илмгоҳида ўқиди ва истифода этди.

Имом Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти даврида ўндан ортик асарлар тасниф қилди. Барча асарлари ичида энг асосий ўринни эгаллагани, шубҳасиз, "Ал-Жомий ас-сахих" ("Энг ишончли кўптам"), яъни "Сунани Термизий" китобидир. У зотнинг йирик асарларидан яна бири — "Аш-Шамойил ал-Муҳаммадия" ("Ҳазрати Пайгамбарнинг алоҳида хилқат, олий

ахлоқ ва фазилатлари") китоби-дур. Ушбу асар илк марта узоқ йиллар Саудия Арабистонида яшаган ватандошимиз Саййид Махмуд Тарозий томонидан таржима қилинган ва Тошкентда ҳам нашр этилган.

Яна "Китоб ал-илал" ("Ал-Илал ас-сағийр ва ал-Илал ал-кабйир"), "Китоб ат-таърих", "Китоб уз-зуд" ("Тақво ҳақида китоб"), "Китоб ал-асмо ва-л-куна" ("Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб"), "Ал-Илал фи-л-ҳадийс" ("Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида"), "Рисола ва-л-хилоф ва-л-жадал" ("Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола"), "Асмоус-саҳоба" ("Саҳобаларнинг исмлари") Имом Термизийнинг беназир асарларидандир.

Имом Бухорий Шарқ мамлакатларига қилган сафаридан кайтганидан кейин беш йил (863 — 868 йиллар) мобайнида Нишопурда мусим яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Уша вақтда Имом Термизий "Ал-Жомий ас-сахих" ("Сунани Термизий") китобига киритилган ҳадисларнинг ҳар бирини Имом Бухорийнинг назаридан ўтказиб олган.

Имом Термизий "Китобул-илал"да айтдики: "Ҳадисларда зикр этилган иллатлар (танқид қилиниши мумкин бўлган иллатлар, касалликлар, нуқсонлар), рижол (ҳадис ривояти билан шугулланган шахсларнинг аҳволларини баён қилуви маълумотлар) ва тарих билан боғлиқ хусусларни тарих китоб-

ларидан чиқариб олдим. Бу мавзуларнинг кўпида Муҳаммад ибн Исмоил (ал-Бухорий) билан мунозара қилдим. Бир қисми хусусида эса Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ва Абу Зуръа билан музокара ўтказдим. Бу мавзуларнинг кўпида Муҳаммад (ал-Бухорий)дан фойдаландим. Абдуллоҳ (ибн Абдурахмон) ва Абу Зуръадан оз нарса баён қилдим. На Ироқда, на Хуросонда ҳадисларнинг иллатлари ва тарих ҳамда иснодларни билиш борасида Муҳаммад ибн Исмоил (ал-Бухорий)дан кўра илмироқ бирор кишини кўрмадим".

Улуг устоз Имом Бухорий ҳам ўз шоғирди Имом Термизийни алқаб, айтадилар: "(Ўй Абу Йисо Термизий!) Сиз мендан баҳраманд бўлганингиздан ҳам кўра мен сиздан кўпроқ баҳраманд бўлдим" ("Ал-Мирқот" китобидан).

Ал-Ҳоким Абу Аҳмад шундай дейди: "Бир устозим айтди: "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этганларидан Хуросонда эдим. У кишининг ортидан илм, хифз, вараъ ва зухд бобида Абу Йисо Термизийдек бошқа бир зот қолмади..."

"Сунани Термизий" асари ҳақида жаҳон уламолари нодир сўзларни айтганлар. Шайхул-Ислом Абу Исмоил ал-Ансорий айтди: "Менин учун Имом Термизийнинг китоби Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан кўра фойдалирок. Чунки уларнинг китобларидан фақат теран илми мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин".

Аллома Тошкўлпурузода ёзадилар: "(Абу Йисо Муҳаммад ат-Термизий) ҳадис илмида кўпгина асарлар тасниф қилди. Унинг ушбу "Ал-Жомий ас-сахих" китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз китобдир. Унда бошқа ҳадис китобларидан учрамайдиган хусусиятлар бор: маънавий ва истиқлол (далил келтириш ва гувоҳлик

жиҳатлари эътиборга олинган; саҳих, ҳасан ва ғариб деб ҳадис турлари аниқ белгиланган; жарҳ ва таъдилга (нуқсон ва тақос жиҳатлари, ровийнинг қиёфаси, бирор сифати, айби ёки фазилати, ишончли ёки ишончсиз экани ҳақидаги фикрларга) урин ажратилган; китоб охирида иллатларга доир махсус бир боб илова қилинган. Хуллас, бу китобда улкан фойдалар жамлангандир. Китобни мутолаа қилган кишилар бунга тан берадилар".

"Саҳихи Термизий" танланган ҳадислар китоби муҳаддисларда Абдулгани Абдуллаев ёзади: "Маъшойхлар: "Бу китоб қайси уйда бўлса, уша уйга муҳтожлик ва қашшоқлик кирмайди", дебдилар".

Абу Йисо Муҳаммад ат-Термизий айтди: "Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламолари тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйда бу китобдан бор бўлса, уша хонадонда ҳазрати Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гагираётгандек бўлади".

Имом Термизийдан олдинги муҳаддисларнинг асарларида "ҳасан" иборасига дуч келган бўлса-да, аммо ҳадисни "ҳасан, саҳих ва заиф" деб уч қисмга бўлган ва "ҳасан" иборасини илк мартаба илмий истилоҳ сифатида қўлланган зот Термизийнинг ўзларидир.

Ўзбекистон — улуг алломалар диёри. Бу диёрнинг барча илмларда, жумладан, ҳадис илмида ҳам жаҳон миқёсида ўз оқсақ макъеи ва шарафи бор. Имом Бухорий — ҳадис султони, Имом Термизий олти улуг муҳаддиснинг учинчиси, Имом Доримий — уларнинг сафдоши. У азиз зотлар номи билан фахрланиш дуруст, лекин бу кифоя эмас. Уларнинг муборақ қабрларини зиёрат қилиш яхши, лекин бу ҳам кифоя эмас. Асл ифтихор — у азиз зотларнинг буюк маънавий меросидан халқни бараманд этиш, асл зиёрат — у буюқларнинг маърифий ҳазиналарини инсонларга етказиш ва гоёларига амал қилишдир.

Мирзо КЕНЖАБЕК, Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридagi Ўзбекистондаги Исло́м цивилизацияси маркази бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбек ўғлони Халқаро информатика олимпиадасида бронза медали соҳиби бўлди

1 — 8 сентябрь кунлари Мисрда 90 дан зиёд давлатлар вакиллари қатнашган 36-халқаро информатика олимпиадасида (ИОИ — 2024) Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди.



Унда Мактабгача ва мактаб таълими вазири тизимидagi "Янги Ўзбекистон" университети талабаси Мардон Ҳазратов бронза медалини қўлга киритди. Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси, Муҳаммад ал-Хоразмий номидagi ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Асилбек Сунатов "Honorable mention" (намунали иштирок) мукофотига сазовор бўлди.

Ҳамкорлик меморандуми

Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омулдсмони) "Истикболли авлод" ижтимоий ахборот маркази билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади.

Унинг доирасида алоҳида ижтимоий заиф гуруҳга мансуб ва эътиборга муҳтож оилаларда болаларга нисбатан одам савдоси, мажбурий меҳнат, ноқонуний миграция, зуравонлик, таълим остида содир этиладиган жиноятлар профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, одам савдоси, мажбурий меҳнат, ноқонуний миграция ҳамда зуравонликнинг бошқа шакллари билан тўқнаш келган болаларни аниқлаш ва уларга кеңиктириб бўлмайдиган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамни ташкиллаштириш ишлари янада кучайтирилади.

Қураш маҳорат мактабининг замонавий биноси

Хоразмнинг Янгибозор туманида замонавий қулайликларга эга вилоят қураш маҳорат мактаби фойдаланишга топширилди.

Унинг тантанали очилиш маросимида қатнашган Хоразм вилояти ҳокими Ж. Раҳимов, Ўзбекистон Қураш федерацияси бош қотиби А. Эшонқулов ва бошқалар миллий спортимиз — қурашнинг халқаро ривожда маҳорат мактабларининг ўрни бекиёслиги, баркамол авлод тарбиясида спортнинг аҳамиятига урғу берди.

Ўзбекистон Қураш федерацияси томонидан мактабга қураш гилами топширилди.

«Халқ сўзи».

ЧЎҚКИЛАРДА УШАЛГАН ОРЗУ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон қадрини улуғлаш масофа ва макон танламайдиган масалага айланди. Буни Сарийосиё тумани марказидан 80, вилоят марказидан 300 километр узоқликда жойлашган Хушхабар қишлоғи аҳолиси турмуши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Инсон қадр

Бу қишлоқ Хисор тоғ тизмаларининг 4 688 метр баланликдаги Ҳазрати Султон чўққиси этакларида, Маланд, Карч, Вочаҳ каби тоғ қишлоқларидан ҳам тепада жойлашган. Шу боис автомобиль йўли йўқ, у ерга сўқмоқ йўллاردан борилади. Марказдан қишлоққа етиб бориш учун автомобиль йўли орқали 56 километр, Тўпаланг дарёси орқали қайқакда 20 километр ва пивёда 4 километр масофани босиб ўтиш лозим.

Ана шундай энг олис, бориш қийин бўлган манзил аҳолисининг ижтимоий муаммолари ҳам бугун давлатимизнинг диққат марказида бўлаётди.

Қишлоғимиздаги 11 хўжаликда 60 дан зиёд одамлар истикомат қилади, — дейди Жонмаҳмат ота Раҳмонов. — Аҳолимиз узоқ йиллар бориға шукр, йўғига қаноат қилиб яшайди. "Сабр тағи сарик олтин", деганлари рост экан. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг инсон қадрини улуғлашдек эзгу амалларга йўғрилган сиёсати мамлакатимизнинг энг чекка, энг олис ҳудудларини ҳам камраб олди. Илгари туман масъулларини йилда бир ё кўрардик ёки кўрмасдик. Бугун шу мўъжаз қишлоғимизга ҳам вилоят, республика миқёсидаги масъуллар келяпти, турмуш тарзини, муаммоларини билан қизиқмоқда. Бундан кувонмай бўладими?!

Дарҳақиқат, илгари цивилизациядан йироқ қишлоқ сифатида тилга олинмайдиган Хушхабар аҳолиси бугун амалга оширилаётган ислохотлардан баҳраманд бўлмоқда. Самимий, хушмуомала, меҳмондўст одамлар билан сўхбатлашган киши уларнинг ҳаётдан розилигини англайди.

— Ким ўйлабди дейсиз, тоғ қўйнидаги қишлоғимизга электр келишини, баллонларда суолтирилган газ тарқатилишини, — дея фикрини давом эттиради отахон. — Аёлларимиз газ баллонлари у ёқда турсин, ҳатто газ плиталарини ушлаб ҳам кўришмаганди. Ўтган йили "Сарийосиётмангаз" ташкилоти ходимлари келиб, ҳар бир хонадонга газ баллонлари тарқатди, газ плиталари билан таъминландик. Улар хонадонма-хонадон юриб,

мосламалардан қандай фойдаланишни ўргатишни, хавфсизлик қоидаларини тушунтиришни. Ҳозир ўз вақтида пешма-пеш газ баллонлари етказиб берилмоқда. Бу билан хотин-қизларнинг оғири енгил бўлди. Айни пайтда Хушхабар, Маланд, Карч, Вочаҳ қишлоқларини боғловчи автомобиль йўли жадал қуриляпти. Агар ушбу йўл битса, нафақат қишлоқлар аҳолисига қулайлик бўлади, балки хушманзара тоғ қўйнида туризм ҳам ривожланиб, бу ерлар обод масканга айланади.

Шу қишлоқда яшовчи Ҳасан Муҳибуллоев болалиқдан ногирон бўлишига қарамадан имконияти чекланганларга берилмайдиган имтиёزلарнинг биронтасидан фойдаланмаган. Эҳтиром маҳалласининг ижтимоий ҳимоя бўйича ходими уйма-уй юриб, хонадонларни ўрганганида, Ҳасаннинг ота-онасига имтиёزلардан фойдаланиш борасида тушунтириш берди.

Яқинда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Тоғаев бошчилигидаги илчи гуруҳ, туман "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари билан биргаликда Хушхабар қишлоғига бориб, аҳолининг яшаш тарзи, муаммоларини ўрганди. Ушбу жараёнда Ҳасан Муҳибуллоев ҳам эътибордан четда қолмади. Бугунги кунда ушбу оилага кейс-менежмент асосида бир қатор ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хусусан, Ҳ. Муҳибуллоевнинг ногиронлиги белгиланди. Ногиронлиги бор ўғлига қараган даври онанинг иш стажига қўшиб ҳисобланадиган бўлди. Ҳасаннинг даволаниши учун реабилитация марказига ордер олиб берилган бўлса, ота-онаси санаторийга бориши учун навбатга қўйилди.

Хуллас, бугун Хушхабар ҳаётидан масъуллар хабардор. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ҳар бир юртдошимизга меҳр ва эътибор кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг бош мезонига айланган.

Фарҳод ЭСОНОВ «Халқ сўзи».

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДА МЕТАЛЛ ДЕТЕКТОРЛАР ЎРНАТИЛАДИ

Тошкент метрополитени бекатларида махсус металл детектор қурилмаларини ўрнатиш ишлари бошланди. Бу ҳақда "Тошкент метрополитени" ДУК маълум қилди.



ҚУЛАЙЛИК

Унда қайд этилишича, Тошкент метрополитенидан фойдаланувчи йўловчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу метрополитен ходимларидан қўшимча масъулият ва жавобгарликни талаб этди. Шу боис ушбу саъй-ҳаракатларда бекатлардаги хавфсизлик чораларини таъминлаш ҳамда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсади муҳим бўлган.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

"H.M. Abdullaev nomidagi Geologiya va geofizika instituti" DM

2025-yil uchun oliy ta'limdan keyingi ta'lim institutiga qabul tanlovini e'lon qiladi!

Doktorantura (DSc):
04.00.01 - Umumiy va mintaqaviy geologiya (bitta o'rin);
04.00.02 - Qattiq foydali qazilma konlarining geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish. Metallogeniya va geokimyo (bitta o'rin);
04.00.03 - Geotektonika va geodinamika. Petrologiya va litologiya (bitta o'rin);
04.00.06 - Geofizika. Foydali qazilmalarni qidirishning geofizik usullari (bitta o'rin).

Tayanch doktorantura (PhD):
04.00.01 - Umumiy va mintaqaviy geologiya (ikkita o'rin);
04.00.02 - Qattiq foydali qazilma konlarining geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish. Metallogeniya va geokimyo (ikkita o'rin);
04.00.03 - Geotektonika va geodinamika. Petrologiya va litologiya (ikkita o'rin);
04.00.06 - Geofizika. Foydali qazilmalarni qidirishning geofizik usullari (ikkita o'rin);
04.00.08 - Mineralogiya. Kristallografiya (bitta o'rin).

Stajor-tadqiqotchilik:
04.00.03 - Geotektonika va geodinamika. Petrologiya va litologiya (bitta o'rin);
04.00.06 - Geofizika. Foydali qazilmalarni qidirishning geofizik usullari (bitta o'rin);
04.00.08 - Mineralogiya. Kristallografiya (bitta o'rin).

Hujjatlar 2024-yil 15-sentabrdan – 15-oktabrgacha daraja.ilmiy.uz elektron tizim orqali qabul qilinadi. Telefon: +998 90 960 47 05.

Mustaqil izlanuvchilikka hujjatlar qabul qilish yil davomida amalga oshiriladi.

Республика шонинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали қон томир касалликлари жарроҳлари томонидан юқори технологик мураккаб реконструктив қон томир протезлаш операцияси муваффақиятли бажарилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 942. 12 918 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Муасхих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.30 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6